



ЎЗБЕКИСТОН
ПАХТАСИ

3.000.000

ТОННАДАН
ОШИДИ



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 ЯИЛ ЧИҚИШИ
№ 205 (3433).

19

ОКТАБРЬ
ЧОРШАНБА
1966 ЯИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишга, беш йиллик планни бажаришга сафарбар этингиз!

Мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари, олға!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябр Чакриқларидан).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ПАХТАКОРЛАРИГА БАЛЛИ!

Район пахтакорлари гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 17.500 тоннадан ортиқ пахта сотдилар. Улар ҳосилдорлики 35 центнерданга етказиш учун курашмоқдалар.

ОКТАБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИ

— ЯШАСИН УЛУҒ ОКТАБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 49 ЙИЛЛИГИ!

— ИНСОНИАТ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ — КАПИТАЛИЗМНИНГ ЕМИРИЛИШИ ВА КОММУНИЗМНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТАБРЬ ШОН-ШАРАФЛАР!

Қалбларини тўқилантирувчи бу оташин сўзлар бутун мамлакатимиз бўйлаб баралла янгради. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 49 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Чакриқлари коммунистик жамият қуриш йўлида зафарлар кетидан зафарлар кўчадан совет кишиларини янги-янги муваффақиятлар қозонишга руҳлантириб юборди.

Марду-майдон совет кишилари ҳозирги кунларда КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини ва янги бешйиллик режаларини амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Улуғ Октябрнинг аjoyиб самараларини янада кўпайтириш, она-Ватанимиз бойлигини янада ошириш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябр байрамини муносиб тўхфалар билан кўтиб олиш учун тараддуд қурмоқдалар. Область ва шаҳар саноати ходимлари тўқиз ойлик планини ортиқ билан адо этдилар. Пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Курувчиларимизнинг бажарётган ишлари ва эришяётган ютуқлари барчани қувонтирмоқда. Маълумки республикамиз пойтахти, азиз Тошкентимиз бошига тушган кузфат курувчиларимиз олдинга оғир, лекин масъулиятли вазифалар қўйди. Зилзила оқибатларини тугатиш учун барча совет халқлари отланди. Совет халқларининг дўстлиги янги Тошкент қурилишида яна бир бор синовдан ўтмоқда. Областимиз курувчилари ҳозиргача ярим миллион квадрат метрга яқин уй-жойларини қуриб битирдилар ва фойдаланишга топширдилар.

Қишлоқ хўжалиги ходимларимизнинг ишлари ҳам мақтовга сазовордир. Миришкор пахтакорларимиз бу йил ҳам ҳар йилдагидек карвонбоши бўлиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Улар пахта тайёрлаш планини тезроқ бажариб, Улуғ Октябр байрами шарафига ғалаба рапорти бериш учун курашмоқдалар.

Улкан хиромонимизга машғул Оққўрғон райони меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар. Улар ҳозир пландан ташқари «оқ олтин» сотмоқдалар. Юқори Чирчиқ райони ҳам маррага етди. Бўка, Ўрта Чирчиқ, Калинин районларининг пахтакорлари ҳам ғалаба арафасида турibdilar.

Халқ хўжалиги соҳасида эришяётган ғалабаларимиз ана шундай қувончлидир. Коммунистик жамият қуриш йўлида янада ғайрат ва шижоат билан ишлаш керак. КПСС Марказий Комитетининг Чакриқлари шунга даъват этади.

— Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишга, беш йиллик планни бажаришга сафарбар этингиз!

Мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг Чакриқларида турли касб эгалари меҳнат унвондорлигини оширишга, маҳсулот таъинларини камайтиришга, сифатини яхшилашга ва ўз ишларида янги-янги муваффақиятлар қозонишга даъват этилади. Шунингдек маданият ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, маориф, медицина ходимлари ўз олдиларида турган вазифаларини сийдиқидиллик билан бажаришга чакриқланди.

Совет давлати дунёда барқарор тинчлик учун толмас кураши эканлигини барча тинчликсевар кишилар ўз кўзлари билан кўриб-билиб турибдилар. Шунинг учун ҳам бизнинг Ленинча ташқи сиёсатимиз барча халқлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

— Яшасин Совет Иттифоқининг Ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

Мамлакатимизда улуғ байрамга ҳозирлик қўриляётган шу дамларда бизнинг нигоҳимиз ўз озолини, учун курашяётган мард Вьетнам халқига қаратилган. Шунинг учун партия-миз Марказий Комитети жаҳон халқларига қарата: Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам халқига қарши агрессия уруш-ини тўхтатиш учун курашингиз, Америка қўшнларининг Жанубий Вьетнамдан дарҳол олиб чиқиб кетишини қатъий талаб қилингиз! — демоқда.

Уруш инсоният бошига бахтсизлик ва оғир тушуватлар келтиришини прогрессив инсоният жуда яхши кўлади. Шунинг учун ҳам улар уруш оловини ёқувчи империалистларнинг кирдиқорларини фой қилишда, қуролланиш пойғасини тўхтатишда, ядро қуролли таъқиқлаш, ёлпасига ва батамом қуролсизланиш учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда, ўз куч ва ғайратларини аямасликлари керак.


— Социализм мамлакатларининг халқлари, миллий озолиқ кураши олиб бораётган халқлар, бутун дунё меҳнаткашлари! Империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий озолиқ учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда ўз куч-ғайратларингизни бирлаштирингиз!

Совет кишилари, прогрессив инсоният мустақил, миллий давлат қураётган, ўз озолини учун кураш олиб бораётган халқлар билан биргадир. Уларнинг иши ҳақ. Ҳақ иш эса ғалаба қозонади.

Партия-миз даъвати — қалбимиз, виждонимиз, ақл-идрокимиз даъватидир. Илҳомбахш Чакриқлардан руҳланиб, янги-янги зафарлар кучайлик. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, Улуғ Октябр байрамига муносиб тўхналар билан келайлик.

— Коммунизмнинг шавкатли курувчиси, ер юзидан барча кишиларнинг озолини, тинчлиги ва бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

— Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!



ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАВЕРАМИЗ



Сиз суратларда (юқоридан ласта) районинг пешнама пахтакорларидан «Ўзбекистон» колхозини меҳнаткашлари Я. Мавлонов, шу колхознинг бригадани бошлиғи Қ. Рустамов ўртоқларини кўриб турибсиз. Юқоридан сурат эса «Политотдел» колхозидан машина теримчи қизини давом этаётган кунларда олишган.

А. Абалин фотолари.

Она-Ватанимизнинг «оқ олтин» омборларини бойитишга муносиб ҳисса қўиши, КПСС Марказий Комитетининг март (1965) йил Пленуми, КПСС XXIII съезди қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш учун астойдил курашяётган районимиз пахтакорлари кун кеча катта маррага етиб келдилар. Давлатга пахта сотиш йиллик плани қисқа фурсатда бажарилди. Район бўйича ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 30 центнердан «оқ олтин» кўтарилиб, тайёрлов пунктларига 17500 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилади. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга қабул қилинди.

Бизнинг районимизда барча майдонларда уруғлик пахта етиштирилади. Бу йил ҳам шундай қилинди. Илгарилари уруғлик пахтани машина билан териб олиш сира мумкин эмас, дегай фидер мавжуд эди. Шундай бўлса ҳам биз районимизда машина теримини аста-секин жорий этишга йил сайин ҳаракат қилишимиз. Бу йил машина терими соҳасида кескин бурилиш ясалди. Дефляциянинг бултуртига қараганда 15 кун олдин ўтказдик. Машина теримига ҳам бултуртидан анча барвақт киришдик. Бу йил тажриба йўсинда «Ўзбекистон» колхозидан уруғлик пахтанинг 100 проценти машиналар билан терилди. Агар бу тадбир ҳар томонлама яхши натижа берса, келгуси йилдан бошла машина теримини кенг қулоқ ёйдиришнинг зарур чораларини қўрамиз.

«Ўзбекистон» колхозининг пахтакорлари йиллик планини 24 кун қўида районимизда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлишди. Улар 4 октябрдан бери ўз зиммаларидаги социалистик мажбурият ҳисобига пахта тайёрламоқдалар.

Районимизнинг катта хиромонига энг йирик пахтакор хўжаликлардан бўлган «Правда» ва «По-

литотдел» колхозларининг деҳқонлари ҳам салмоқли улуш қўшдилар. Машина терими бу колхозларда ҳам кенг қулоқ ёймоқда. Биз бу йилги йилги-теримда янги технологияни қўлланмоқдамиз. Дала-ларимизда 104 та «зангори кема» ишлайпти. Биринчи машина теримидан кейин район бўйича 1300 гектар майдон десикация қилинди. Бу тадбир кўк қўсақларини тезроқ етиштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Энди иккинчи машина теримидан кейин подбор-чиқиларини ишлата бошладик. Улар туқилган пахтани битта қўймай териб кетяпти. Подборчиқлардан кейин қўрак териш машиналарини ишга туширамыз. Шундан кейин қўишга пайкаллар ер ҳайдашга тайёр бўлиб тураверамиз. Бу янгича усул айниқса «Политотдел» колхозидан назмунали қўлланиляпти.

Бутун район бўйича 31 центнердан оғир хирмон кўтарган экамиз, биз хирмонини янада бар-рақали қилиш учун жуда кўп им-кониятларни ишга солишимиз. Хўжа-ликларимизда деҳқончилик мада-нияти анча юқори даражага кўта-рилди. Бизда пахтачиликнинг ми-ридан сирғича биланган уста деҳқонлар кўп. Уларнинг илғор тажрибасини ҳамма ерга еиши диққат марказимизда туртибди. Ана шунинг учун ҳам деярлик барча хўжалиқларимиз, бригада-ларимиз, звеноларимиз пахта ҳо-силдорлигини 30—35 центнерга ҳа-то ундан ҳам кўпроққа еткази-иб олганлар.

«Ўзбекистон» колхозидан ўр-тоқ Қурбонали Рустамов бошлиқ бригада деҳқонлари ҳозирнинг ўзигаёқ 134 гектар ерининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 35 цент-нердан хирмон кўтаришга муваф-фақ бўлишди. Улар мавсум охи-рига қадар ҳосилдорлигини кам деганда 40 центнерга етказишмоқ-чи. «Правда» колхозидан Абду-рашид Марқабоев, Нан Бен Хо,

Шин Тха Рен, Николай Пак, Свердлов номли колхоздан Ко-нстантин Югай, «Политотдел» кол-хозидан Холмат Мирсалмонов, Константин Пак, Қўлош Эргашев, сингари ўртоқлар бошчилик қила-ётган бригадаларда ҳосилдорлик 32—35 центнерданга етди.

Звено системаси областимиз-нинг ҳамма ерида бўзгани каби бизнинг районимизда ҳам пахта-чиликнинг катта имкониятларини очиб бермоқда. Комплекс ме-ханизацияланган пахтачилик зве-ноларимизга моҳир меҳанизатор-лар бошчилик қилишляпти. «Ўзе-бекистон» колхозидан Қидирбой Мавлонов, Абдуҳасим Уролов, Ли Яков, «Политотдел» колхозидан Фаттоҳ Измайлов, Валентин Ли, Сотиболди Умаров, Мирзаах-мад Ташев, Свердлов номли кол-хоздан Александр Пак, Андрей Ким, Лим Антон, У. Сартебоев, «Ленинскйй путь» колхозидан Яков Ким, Владимир Шен каби бошлиқ звенолар ҳосилдор-лик жихатидан ҳам, машина терими жихатидан ҳам энг юк-сақ кўрсаткичларга еришдилар. Бу звеноларга бошчилик қилаёт-ган меҳанизаторларнинг ҳар бири 90 тоннадан 130 тоннагача пахта тердилар.

Районимизнинг катта зафарда қўпиниқилограммчи термичи-ларимизнинг ҳиссаси ҳам озмунча эмас. Айниқса Свердлов номли ва «Правда» колхозларининг чевар термичилари пахтани тез ва соз теришда бошқаларга ўрнқ кўр-сатишляпти. А. Абдужабборов, В. Айтбоев, Т. Турзалова, М. Ази-мова, С. Мирмонова, З. Отимчу-лова, О. Аҳмедова, К. Пулатова,

М. Пўлдошева, Л. Пак, сингари ўртоқлар ҳозиргача эл хирмонига 4000—6000 килограммдан «оқ олтин» туқишди.

Утган йили бизнинг районимиз ҳосилдорлик жиҳатидан респу-бликада энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаган эди. Пахтакор-ларимиз бу йил тагин ҳам юқо-рироқ ўринни эгаллаш учун шу кета-қилишда тайратта-тайрат кў-либ астойдил меҳнат қилмоқда-лар. Дала-ларимизда ҳали ҳосил кўв. Биз яна 2,5 минг тонна пахта тайёрлаб, давлатга соти-ладиган янги ҳосилни 20 минг тон-нага, гектар бошига кўтариладиган хирмонни эса камиди 35 центнерга етказиш юзасидан ян-ги социалистик мажбурият олдик. Дала-ларда бетиним ишлаётган ки-шилар ва машиналар бу мажбу-риятнинг ҳам шараф билан бажари-лишини таъминлайдилар.

Районимиз меҳнаткашлари шу-нингдек, давлатга ғалла сотиш йиллик планини 167 процент, узум сотиш планини 184 процент адо этдилар. Сабазавот, мева, ту-хум, жуи сотиш йиллик плани-ларини ҳам анча ортиқ билан бажари-дилар. Яқин кунлар ичиди дав-латга гўшт, сут ва напон поиси со-тиш планларини ҳам бажарилади.

Партия-мизнинг тарихий XXIII съезди қарорларини амалга оши-риш учун астойдил меҳнат қила-ётган районимиз меҳнаткашлари бундан буён ҳам янгидан-янги марраларни эгалтайверадилар.

М. ҚОДИРОВ,
Юқори Чирчиқ район қи-шлоқ хўжалиги бошқармаси-нинг бошлиғи.

БУНКЕРДАН—130 ТОННА

Пахтакорлик шарафли касб. Мен шу касбни эгаллаганлигим билан беҳад фахрланаман. Ҳа-қиқатан ҳам бу касб билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди. Қўнқурук ердан олтин ундира-сан-у, касбинг шарафли бўл-майдики!

Бизнинг звенонимиз деҳқонла-ри пахтакорлик шарафини улуғлаш учун йил сайин фидо-корона меҳнат қилиб, ҳосил-дорлигини ошириб келмоқдалар. КПСС XXIII съезди қарорлари ва беш йиллик Директивалари-дан руҳланиб, биз бу йил пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш мажбуриятини олган

эдик. Дала-ларимизда баракали ҳосил етиштирилади. Бу йилги оқ-хаво қийинчиликларини қатъиятлик билан енгдик.

Пахта пишиб етилгач, даст-лабик кун, дастлабик соатлар-дан бошлабқ суръат отига қамчи боса бошладик. Бу йил машина теримига алоҳида эъ-тибор билан қаралимиз. Хўжа-ликимиз гарчи уруғлик пахта етиштирса ҳам, биз машиналар кўчидан самарали фойдаланиш учун бутун имкониятларимизни ишга солишимиз.

Колхозимиз планини районда энг биринчи бўлиб бажарган бўлса, биз колхозда энг бирин-

чи бўлиб ғалаба рапортига им-зо чекидик. Ҳозиргача ҳар гек-тар ердан териб олган пахта-миз 36 центнердан оғиб етди. Менинг ўзим «зангори кема»-нинг бетиним ишляпти, ҳозирга қадар эл хирмонига 130 тон-надан ортиқ «оқ олтин» туқ-дим.

Ишончимиз комизки, звенo пахтакорлари ўз зиммалари-даги юксам мажбуриятни ҳам тўла адо этадилар.

Қ. МАВЛОНОВ,
«Ўзбекистон» колхозининг меҳанизатор-звено бошлиғи.


323.000 ТОННА ТОШКЕНТ
ПАХТАСИ УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТУҒРИСИДА 18 ОКТАБРГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Планта нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда терилган	Мавсум бошидан	Бир кунда машинада терилган	Мавсум бошидан бери машин да терилган
ОҚҚҲҒҒОН	0,01	101,77	—	114,82
Юқори Чирчиқ	0,24	89,54	—	208,00
Бўка	0,02	94,60	—	114,24
Ўрта Чирчиқ	0,04	92,33	—	108,62
Калинин	0,06	92,28	—	79,75
Оржоникидзе	0,52	89,96	0,40	102,50
Бекобод	—	87,71	—	91,70
Янгибўла	0,16	84,25	0,20	92,06
Область бўйича	0,08	92,76	0,03	108,43

ҚҰТЛУҒ ҚАДАМ



тутки бахариш учун курашни тобора кинизяптилар. Қатор муҳим объектиларни муддатдан илгари фойдаланишга топширишди. Қўш Бўзсув коллектори шунингдек, қўш қўстанишнинг, чириқдир, Пўнага мувофиқ, янги оқирганча нуриб битказилиши керак эди. Бирокюлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу ишюштни Улуғ Октябр социалистик революциясининг 49 йилгич байрамгача шига туширганига ҳад иқлишти. 6,2 километрга қўш Қўрақанин коллокторини битказиш, қўш қўстанишнингде шаҳарнинг шикмоли-ғарбий райюнида янги канализация тармоқларини куришни ҳам муддатдан анча илгари тугаллаш мақседида яшини кундан-кунга жадаллаштиришмоқдалар.

М. ТУРБОВ.

камиз пойтахти Тошкентда қад-таҳт қурилишларидан ташқари ҳарларига ҳам ҷўнатииб тур-оқибатларини тезроқ тугатиш-қуналар ҷўнатини тезлашти-1968 йилининг февраль ойига-ойингача тўла-тўқис Тошкентга-лари бошлаб юборилади.

бу йилги ҳосил чакки эмас. Гар-
чи тектар бошига 31 центнердан
кирман кўтарган бўлса ҳам ҳа-
ли пахталиги кўпи. Зимманидаги
маиш-бўғи бўлиб, тектар бош-
ида қолди 45 центнердан ҳо-
л кўтаришмиш керак. Энди тек-
тар бошига яна 14 центнердан
пахта қиғиб олиш, давлатга план-
дан ташқари яна 235 тонна «қо-
лтин» етказиб бериш маъсудиди
даманизи бер ёқадан бос қиғи-
ри меҳнат қилгилариз.

Бригадамиз коллективни элзи-
лгедан зарар кўрган тошкентлик-
ларни қўллаб сазбавот ва поля-
маҳсулотлари етказиб беришда
кам бўл йил катта ютуқларга

Коммунистик партиянинг кадр ходимларини тайёрлайдиган Кубадаги энг кекса ўқув маркази — Гаваиа вилоят партия мактабининг яқинда явбатдаги ходимлар битириб чиқди. Бу йил битириб чиққан 246 кишининг ҳаммаси вилоятдаги давлат хўжаликларига ишга юборилди.

ВИА—ТАСС
радиофотоси.

**В. И. ЛЕНИН
АСАРЛАРИ АҚШДА**
ВАШИНГТОН. В. И. Ленин асарларининг «Бэнтам Букс» нашриёти кўп нусхада чiqарган тўплами босилди қикди ва бу ерда соти-ла бошланди. Тўпламга Ленин-нинг «Россияда капитализмининг ривожланиши», «Нима қилмоқ керак», «Имперализм — капи-тализмининг сўнгги босқичи», «Дав-лат ва революция» сингери асар-лари киритилган.



